# ҚУВА ТУМАНИДА ЖУРНАЛИСТ ВА БЛОГЕРЛАР УЧУН ПРЕСС-ТУР ВА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Дастлаб иштирокчилар “Қува ҳаёти” газетаси тахририяти фаолияти билан танишдилар. Бош муҳаррир Зуҳра Алиева бу ҳақда атрофлича маълумот берди. Шунингдек, Надимий тўгараги аъзолари меҳмонларга ўз иқтидорларини, адабиётга, шеъриятга бўлган меҳр-муҳаббатларини намойиш этишди.

Шундан сўнг пресс-тур қатнашчилари Қува тумани ахборот-кутубхона марказида ўтказилаётган “Лидер китобхон” кўрик танловининг туман босқичи якунларига ва ғолибларни тақдирлаш маросимига гувоҳ бўлишди.

Куннинг иккинчи ярмида туман ҳокимлигида “Ёшлар дафтари” ҳамда “Аёллар дафтари”га киритилган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар бўйича матбуот анжумани ўтказилди.

Матбуот анжумани аввалида сектор раҳбарлари томонидан мазкур йўналишда туманда олиб борилаётган тадбирлар тўғрисида ахборот берилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар. Туманда жиноятчиликнинг олдини олиш, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, аҳоли мурожаатларини ҳал этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,
2021-04-30 12:15:09